

Тошкент Оқшомми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 228 (11.289)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Кеча Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Халқаро бағрикенглик қунига бағишлаб «Бағрикенглик—маданият меъёри ва маънавий қадрият» мавзусида уюштирилган давра суҳбати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида ташкил этилди.

• Республика шошилинч тиббиёт илмий марказининг Фарғона вилояти бўлимида Россиянинг Бакулев номли юрак қон-томир жарроҳлик маркази билан ҳамкорликда жарроҳлик амалиёти бажарила бошланди. Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, у амалиёт жараёнида Республикамиз ва Россиядаги нуфузли даволаш муассасалари билан боғлиқ имконини беради.

• Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ушбу тузилма фаолиятини янада кенгроқ тарғиб этиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф қилишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтиришга бағишланган матбуот анжумани уюштирилди.

• Навоий вилояти адвокатлар ҳайъати адвокатлари, адвокатлик фирмаси бюрolari раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган анжуман «Адвокатуранинг ўзини-ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими, адвокатлик тузилмалари ҳуқуқий макомининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусига бағишланди.

• Урганча Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган «Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

• Андижон шаҳридаги Қўшариқ даҳасида янги «Сойбўйи» деҳқон бозори ишга туширилди. Бу ерда 130 та савдо ўрни ва ўндан ортқ расталар ташкил этилиб, сотувчилар ва харидорларга қулайлик яратилди. Шунингдек, саннат, озик-овқат, ҳўжаллик моллари дўконлари ва икки дорихона ҳам бозордан ўрин олган.

• Нишон туманида ёшларни банк кредитлари билан қўллаб-қувватлаш яхши йўлга қўйилган. Жорий йилнинг ўтган даврида Миллий банкнинг туман бўлими бешта оилга 165 миллион сўмлик ипотека, 13 та оилга 57 миллион сўм истеъмол кредитлари ажратди. 164 ёш оила эса банкнинг 457 миллион сўмлик кредити эвазига чорва молига эга бўлди.

ЖАҲОНДА

• Польша ташқи ишлар вазири Радослав Сикорский Барак Обаманинг ракетага қарши мудофаа тизими дастурига муносабатини аниқлаш мақсадида АКШга ташриф буюрди.

• Давлат Думаси Россия Федерацияси Конституциясига президент ва қуйи палата депутатлари ваколатлари муддатини оширишни кўзда тутувчи ўзгаришларни иккинчи ўқишда қабул қилди. Мамлакат президенти томонидан киритилган ўзгаришларга кўра эндиликда РФ президенти ваколатлари муддати тўрт йилдан олти йилга, Давлат Думаси депутатларининг ваколатлари эса тўрт йилдан беш йилга узайтирилди.

• Гаагдаги халқаро трибуналнинг янги раиси Патрик Робинсон серб айирмачиларининг собиқ етакчиси Радован Караджич иши бўйича судьялик қилишдан бош тортиди.

• Халқаро валюта жамғармаси Исландияга 2,1 миллиард доллар миқдорда кредит ажратишга қарор қилди.

• Кения соҳиллари яқинида Сомали қароқчилари томонидан қўлга олинган Саудия Арабистонига тегишли «Сириус Стар» супертанкери соҳиби қароқчилар билан кемани қайтариш юзасидан музокараларни бошлади. Айтиш керакки, Халқаро денгиз бюросининг маълумотларига кўра, жорий йил бошидан буён сомалилик қароқчилар 83 та кемага ҳўжум қилиб 33 тасини қўлга олишган. Ҳозирги пайтда 11 та кема ва 200 га яқин киши қароқчилар қўлида қолмоқда.

• Кеча Симферополь шўссесининг 62-километрида Тула—Москва йўналиши бўйича ҳаракатланаётган автобуснинг ағдарилиши натижасида беш киши жароҳатланди, уларнинг биттасининг аҳволи оғир.

• Италиянинг «Alitalia» авиакомпаниясига «Italian Air Company» сармоёлари киритилиши маълум қилинганидан сўнг авиакомпания ходимлари норозилик билдириб, иш ташлашди. «AFP» ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, иш ташлашларда асосан «Alitalia» учувчилари қатнашмоқда. Улар компания томонидан ходимлар сони ва ойлик маошлари ҳажми қисқартирилишига нисбатан шундай норозилик билдирмоқдалар. Юзага келган муаммо туфайли авиакомпания ҳар олти парвоздан биттасини бекор қилишга мажбур бўлмоқда.

• Исроил Фаластиндан кетма-кет ракета зарбалари берилётганлигини изоҳлаган ҳолда Фазо секторига кириш йўлини яна тўсиб қўйди.

• Гаитида вертолётнинг ҳалокатга учраши оқибатида унинг бортидаги икки киши ҳаётдан кўз юмди.

• Чехиядаги Литвиков шаҳрида полициячилар ва ўта ўнгар партияси тарафдорлари ўртасида рўй берган тўқнашувда 14 киши яраланган.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Киска сатрларда

• БУГУН «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуаси қошидаги «Оила маросимлари» марказида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Конституция — бахтимиз пойдевори» деб номланди.

• 1-РЕСПУБЛИКА тиббиёт коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишлаб ўқувчилар, ўқитувчилар, Тошкент юридик коллежи ўқувчилари иштирокида тадбир ўтказилди.

• БУГУН Ҳамза туманидаги «Тендос» маданият уйида уч йиллик бичиш-тиқиш мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган болалар либослари кўрғазмаси ташкил этилди. Ушбу кўрғазма икки кун давом этди.

• НИЗОМИЙ номидаги Тошкент Давлат педагогика университетидеги «Ешларнинг сиёсий фаолигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни» мавзусида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Адолат» социал-демократик партияси ташаббуси билан уюштирилди.


• АВИАСОЗЛАР маданият саройида Ёнгин хавфсизлиги ойлиги доирасида Ҳамза туман ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбирда туман мактаблари ўқувчилари, ўқитувчилари иштирок этишди.

• МИРЗО Улғубек туманидаги 211-мактабда миллий истиклол ғоясининг моҳиятига бағишлаб ўқувчилар, ўқитувчилар, 25,32-мактабларда таҳсил олаётган ёшлар иштирокида ўтказилган фестивал туман халқ таълими бўлими, туман ўқувчилар ижодиёти маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЕИҲ туман бўлими ва ҳамкорликларидея уюштирилди.


• МИРОБОД туманидаги Фафур Гулом номи маданият уйида Ўзбек миллий чолу асбоблари ва вокал тўғраги қатнашчилари иштирокида навбатдаги ўқув машғулотини уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ТАДБИРКОРЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш қорхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хорижий инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш борасидаги ишлар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.



Пойтахтимиздаги «Ўзэксномарказ»да ўтказилган Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бу борада олиб борилаётган амалий ишларнинг ёрқин ифодаси бўлди. Унда наманганлик саноатчилар сафида «Турбопласт» хусусий қорхонаси вакиллари ҳам иштирок этди. Тадбиркор Акрамжон Сатторов раҳбарлик қилаётган қорхонада замонавий технология асосида пенопластдан қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, савдо ва қандолатчилик учун зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, пенопласт вази ўта енгил бўлгани учун жуда кўп жой-



«ТУРБОПЛАСТ» ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

ва тортлар учун контейнерлар чишулар жумласидандир. Қорхона вакиллари республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 20 турга яқин маҳсулот билан қатнашиб, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Совлеститал», «Ройсон», «Фотон», «Водий ширинликлари», «Суперголд» каби қорхоналар билан 500 миллион сўмлик шартнома имзолашга муваффақ бўлди. Бу ерга яна бир янги технологик линия келтирилди. У ишга туширилган, икки томони тунука билан қопланган ўртасти пенопласти «сендвич панел» ҳамда девор орасида иссиқликни тўтиб турувчи термоизоляция опалубкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жамоа келгусида жаҳон стандартлари асосида кўчма уй ва гаражлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишни мўлжалламоқда. Қорхонада ҳозир Йегирма киши меҳнат қилаётир. Теъ орада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан яна шунча иш ўрни яратилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири
СУРАТЛАРДА: қорхона фаолиятидан лавҳалар ЎЗА олган суратлар

ВЕНГРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ КИНГА ГЕНЦ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 19 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ДИЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВА БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни барча жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Венгрия ташқи ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илғизар Собиров билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳўқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Томонлар мазкур йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар. Шу кунни К.Генц Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов билан ҳам учрашди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА)

Деҳлида Ўзбекистон Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Жаваҳарлаб Неру номидаги Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш маркази томонидан ташкил этилган «Фуқаролик жамиятини шакллантириш: Ўзбекистон ва Ҳиндистон тажрибалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН:

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЖРИБАЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Учрашувда олимлар, турли мамлакатлар тадқиқот марказлари экспертлари, Ҳиндистон давлат идоралари ва Деҳлида аккредитация қилинган дипломатик корпуслар вакиллари иштирок этишди.

Иштирокчилар мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг бориши, хусусан, сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини ошириш, мамлакатни модернизациялаш ва демократик янгилаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда нодавлат нотихорат ташкилотлар фаолигини оширишга йўналтирилган кенг қўламли ишлар ҳақида фикр алмашилди.

— Мустақилликка эришган илк даврларда Марказий Осиё давлатлари Афғонистонда келатган зиддиятлар ҳамда бу аҳволнинг диний ва миллий экстремизмнинг кучайиб бориши билан боғлиқлиги каби хавфсизликка таҳдид солувчи ҳолатларга дуч келди, — дейди Ҳиндистон Маданий алоқалар кенгаши президенти Каран Сингх. — Хали тараққий этмаган иқтисодиёт ва уни деверфикация қилиш, ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш зарурияти ушбу ҳолатни оғирлаштирди. Минтақада барқарорликни сақлаган ҳолда демократик ислохотлар ўтказиш учун шароит яратиш, тоталитар тузумдан демократик давлат тузумига ўтишнинг ўзига хос моделини аниқлаб олиш зарур эди.

Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш маркази докторанти Ражан Кумарнинг эътирофи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

2008 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни сенат раиси И.СОБИРОВ олиб борди.

Сенат Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисини шу йил 4 декабрда Тошкент шаҳрида қачирш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларини киритиш режалаштирилмоқда: «Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Қутқарув хизмати ва қўқарувчи мақоми тўғрисида», «Нодавлат нотихорат ташкилотлари фаолиятини ташкил қилувчи фаолиятини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларини киритиш режалаштирилмоқда: «Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Қутқарув хизмати ва қўқарувчи мақоми тўғрисида», «Нодавлат нотихорат ташкилотлари фаолиятини ташкил қилувчи фаолиятини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан

қўшилиши тўғрисида»ги ва бир қатор қонунлар ҳам қўриб чиқилади. Шу билан бир қаторда сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди тарихига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига таллуқли бир қатор бошқа масалаларни киритиш ҳам назарда тутилмоқда. Кенгаш Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн олтинчи ялпи мажлисига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни мувофўқлаштиришни Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинов зиммасига юкляди. Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор оидона ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Конституцияимиз яшамокда ва амал қилмокда

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДА ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ КАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА ШУ ЙИЛ 10 ДЕКАБРДА 60 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФАРМОНИ НАФАҚАТ РЕСПУБЛИКАМИЗ, БАЛКИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ҲАМ ЮҚОРИ КЎТАРИНКИЛИК БИЛАН ОЛҚИШЛАНМОҚДА. МАЗКУР ДЕКЛАРАЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚЎШИЛГАН ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА 60 ТА АСОСИЙ ХУЖЖАТЛАРДАН БИРИНЧИСИ. УНГА АМАЛ ҚИЛИБ, КОНСТИТУЦИЯМИЗДА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ХУЖЖАТЛАРИДА ИНСОННИНГ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА МАДАНИЙ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНМОҚДА, СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИ ТОБОРА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛМОҚДА.

Декларациянинг муқаддимасида инсон хуқуқларининг афзалликлари ва бузилмаслигини тан олиш — эркинлик, адолат ва тинчлик гарови, уларни менсимаслик ва инкор қилиш эса ваҳшийна интилиш тарзида одамларнинг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлади, дейилган. Декларацияда биринчи марта инсонларнинг асосий хуқуқлари жамланган ҳолда ифодаланиб, уларни таъминлаш ва муҳофазалаш, БМТга аъзо бўлишдан қатъи назар, барча давлатларнинг юксак мажбурияти эканлиги ўқитилган ва ана шу мажбуриятни бажариш воситалари баён қилинган. Декларация барча давлатларни яқдилликка, ундаги тамойил ва қондаларга оғишмай риоя қилишга чақиради.

Декларацияни барча демократик давлатлар биргаликда ижод этган, у халқро ҳам-жихатликнинг бебаҳо маҳсулидир. Унинг мазмуни демократик давлатларнинг конституцияларидан ва қонунларидан олинган, тақомиллаштирилган ва тизимлаштирилган. Декларация ўттиз моддадан таркиб топган. Улардан биринчиси барча одамлар эркин ва ўз фазиалатлари ҳамда хуқуқлари жиҳатидан тенг туғилдилар, улар онги ва диёнатида кўра бир-бирларига биродарона рўҳдаги муносабатларда бўлишлари шарт, деган сўзлар билан бошланади. Хар бир инсон, — дейилади Декларациянинг кейинги моддасида, — ирки, баданининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа қарашлари, миллий ва ижтимоий чиқиши, мулкый, табақавий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, мазкур Декларацияда эътироф этилган барча хуқуқларга ҳамда барча эркинликларга эга бўлиши лозим.

Одамлар ўзлари истиқомат қилаётган мамлакат ёки худуд қандай сиёсий, ҳуқуқий, халқро ўрин эгаллашига қараб камситилиши мумкин эмаслиги белгилан қўйилган. Инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг дастлабки инсонларнинг яшаш ҳуқуқи

ва шахсий дахлсизлигидир. Ҳақиқатда ҳеч ким қулликка олиниши, эрксиз ҳолатда сақланиши, қийноққа солиниши, шафқатсиз, қадриятини камситидаган таъзияк ва жазолар билан азобланиши мумкин эмас. Ҳамма қонун билан баб-баробар ҳимоя қилиниши лозим. Хуқуқи бузилган шахс уни тиклаш учун судга мурожаат этиши қаролатланади. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ноўрин қарорига олиниши, ушлаб турилиши ва яшаш жойидан ҳайдаб юборилиши мумкин эмас. Хар бир инсон ўз хуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаш, унга эълон қилинган айбонинг асосларини билиш учун ишнин мустақил ва холис суд ошқора кўришини талаб қилишга ҳақли.

Хуқуқшуносликда «айбсизлик презумпцияси» деб ном олган муҳим қонун Декларациянинг 11-моддасида қўйилган баён этилган: «Жиноят содир этганида айбланётган хар бир шахс, унинг айби судда қонуний тартибда ошқора кўриб чиқилиб аниқланмагунча, айбдор деб ҳисобланмайди. Унга ўзини судда ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминланиб берилиши даркор».

Шахс фақат миллий ёхуд халқро хуқуқ нормаларида жиноят деб ҳисобланган қилмишларини унун жавобгарликлари тўғрисида баён этилган. Унинг шахсий ва оилавий ҳаётига аралаштириш тақиқланган, уй-жой дахлсизлиги, хат-ёзиқларнинг сир сақланиши, истиқомат жойини ўз хоҳиши билан танлаш, зарур ҳолатларда хорижий давлатлардан бошпана олиш, оила қуриш, мулкига эгаллик қилиш, эркин фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, меҳнат қилиш, билим олиш, мамлакатни бошқарув ишларида ва маданий ҳаётда иштирок этиш, илмий, адабий ва бадий ижодиёт билан шугулланиш хуқуқлари барча давлатларда қаролатланган бўлиши шарт.

Декларациянинг 29-моддасида кўрсатилганидек, хар бир шахс ана шу хуқуқлари ва эркинликлари тўла таъминланган бўлсаги-

на, жамият унинг ўз бурчларини бажаришини талаб қилиши, бошқаларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиши, ахлоқ, жамоат тартиби ва умумий фаровонлик талабларини қондириш мақсадида хуқуқларини чеқлаши мумкин.

Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этиш лозимки, Декларацияда ва бошқа халқро хуқуқий нормаларда ифодаланган инсон хуқуқлари ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қонунларида назарда тутилган. Уларга ҳеч оғишмай амал қилиш — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг, барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг зиммасига юкланган шарофли вазифадир.

Умумжаҳон декларациясида кўрсатилган инсоннинг асосий хуқуқлари, эркинликлари ҳамда бурчлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII-XI бобларида ривожлантирилиб, таснифланган ва ўз аксини топган. Чунончи: Шахсий хуқуқ ва эркинликлар бобининг 24-31 - моддаларида Яшаш хуқуқи, Эркинлик ва шахсий дахлсизлик хуқуқи, Инсоннинг суд қилинмай айбдор ҳисобланмаслиги, таъзияк этилмаслик хуқуқи, Шахсий ҳаётига аралаштидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги хуқуқи, Бир жойдан иккинчи жойга кўчиш хуқуқи, Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хуқуқи, Ўз хуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган хуқуқлар билан танишиб чиқиш хуқуқи, Виждон эркинлиги; Сиёсий хуқуқлар бобининг 32-35 - моддаларида Жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш хуқуқи, Партия ва бирлашмаларга уқошиш хуқуқи, Давлат органлари, халқ вакилларига мурожаатномалар йўллаш хуқуқи; Иқтисодий ва ижтимоий хуқуқлар бобининг 36-42 - моддаларида Мулкдор бўлиш хуқуқи, Меҳнат қилиш хуқуқи, Дам олиш хуқуқи, Ижтимоий таъминот олиш хуқуқи, Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш хуқуқи, Билим олиш

хуқуқи, Илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданий ютуқлардан фойдаланиш хуқуқи; Хуқуқ ва эркинликларнинг қаролатлари бобининг 43-46 - моддаларида Хуқуқ ва эркинликларни давлат таъминлаши, Хуқуқ ва эркинликларнинг суд орқали ҳимоя қилиниши, Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳимояси, Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг хуқуқлиги; Фуқароларнинг бурчлари бобининг 47-52 - моддаларида Барча фуқаролар Конституцияда белгиланган бурчларини бажариши, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш бурчи, Табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш бурчи, қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ва харбий ёки муқобил хизматни ўташ мажбурияти кўрсатилган.

Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси миллий қонунчилигимиз тизимининг ўзвий қисми ҳисобланади. Бинобарин, у ҳаётимизда бевосита қўлланилиши лозим ва унинг талабларини бажариш ҳамда қондаларига риоя қилиш устидан мустақам ва муқаммал назорат ўрнатилмоғи керак. Декларациянинг хар бир нормаси қонунларимизда ва амалиётда қанчалик ўз ифодасини топганлиги доимо диққат марказида бўлиши зарур.

Конституция мустақил мамлакатимизда адолатли фуқаровий жамият тузиш ва чинакам демократик хуқуқий давлатни шакллантириш гаровидир.

Фафур АБДУМАЖИДОВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЖРИБАЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

(Давоми.Боши 1-бетда).

Шунингдек, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг анъанавий институтларини қўллаб-қувватлаш, янги ташкил этилган эркин ва барқарор нодавлат ташкилотларни ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситалари, уларнинг ахборот олиш хуқуқлари, масс-медиа соҳасида бозор муносабатларини жорий қилиш каби масалаларга иштирокчилар эътибори жалб қилинди. Асосий урғу уларни маблағ билан таъминловчи манбалардан мустақил бўлишини сақлаб қолиш масаласига берилди.

— Ўзбекистон Парламентининг нодавлат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қарори ва тегишли жамғармасини шакллантирилиши мамлакатни янада демократлаштириш йўлидаги наватдаги муҳим қадамлардан биридир, — деди Жавахарлал Неру номидаги университетнинг Марказий Осиёни ўрганиш дастури директори, «Маданият ва Ҳимолай тадқиқотлари жамғармаси» бош котиби Қулбухшан Ворику. — Нодавлат ташкилотларни молиялаштирувчи мустақил манбани шакллантирмай туриб уларнинг жамиятни демократлаштириш жараёнида тўлақонли ва тизимли равишда иштирок этишлари мушкул. Ўйлайманки, бундай жамғарманинг ташкил этилиши уларнинг жамиятнинг ислоҳ қилиш ишига аралашилари учун муҳим туртки бўлади. Шу маънода нодавлат ташкилотлар жараёнларни сиёсий жиҳатдан баҳолашдан кўра кўпроқ ижтимоий масалаларга эътибор қаратишлари зарур.

Мавзунинг давом эттирар экан, Ражан Кумар Ўзбекистонда ижро ҳокимиятининг айрим ваколатлари ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларга берилишида фуқаролик жамиятининг мамлакатда азалдан мавжуд бўлган демократик тамойиллар асос қилиб олингани, бу билан маҳаллалар ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим органига айлантирилгани ва муҳим ижтимоий масалаларни ўзи ҳал эта олишга қодир эканлигини таъкидлади. «Маҳалла жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қисми эканлигини яна бир бор исботлади. Мамлакатни демократлаштириш жараёнида ушбу институтнинг жамиятда ижобий ва муҳим ўринга эга эканлигини кўрсатди», — деди олим.

Йиғилганлар шунингдек Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, ижтимоий институтлар, мустақил босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни ижобий баҳолади. Ушбу масала юзасидан айтилган мулоҳазаларга қўшимча қилиб, ОАВ ва фуқаролик жамияти бўйича эксперт Ниведита Менон хоним «оммавий ахборот соҳасига бозор механизмлари жорий этилиши жамиятга плюралистик қарашга ундайди, кишилар мамлакатда ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга берилган турлича муносабатлар билан танишадилар», дея таъкидлади. Экспертнинг фикрига кўра, оммавий ахборот воситалари аҳолини нафақат тезкор ахборот билан таъминлаши, балки жамият олдидаги ўз масъулиятини ҳам ҳис қилиши керак. «Ишончли бўлмаган ахборот миллатларро ва конфессияларо алоқаларнинг салбий тус олишига, матбуот ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашишига олиб келиши мумкин», дея изоҳлади у.

Давра сўхбати иштирокчилари айтиб ўтишганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлардан мақсад экан инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш эканлиги кўринадди.

Бир қатор экспертлар Ўзбекистонда Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган чоратадбирлар жамиятнинг демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш борасидаги муҳим қадам бўлганини қайд этди. Мамлакат раҳбарияти томонидан қабул қилинган муҳим хужжатлар, Адвокатлар палатасининг тузилиши, Олий суд қошидаги тадқиқот маркази, мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва «Хабас корпус» демократик хуқуқий институтининг жорий этилиши амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон ва унинг манфаатлари турганини яна бир бор намоеён этди.

Шу ўринда, Ўзбекистонда инсон хуқуқлари бўйича миллий институтлардан ташкил топган инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида яхлит ва самарали тизимнинг, ихтисослашган судлар ва мустақил оммавий ахборот воситаларининг фаолият юритаётгани таъкидланди. Суд жараёнида қораловчи ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш, суд-хуқуқ борасидаги ислохотларни ва жиноят қонунчилигини янада либераллаштириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда нодавлат ташкилотларнинг фаол иштирок этиши муҳимдир.

Сўхбат якунида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислохотлар изчил ва тизимли равишда амалга оширилаётганига ижобий баҳо берилди.

Исмоил ШАРОПОВ, «Жаҳон» АА, Дехли

си бирлаштиради.

— Аммо, — дейди меҳнат фахрийси Хусан Мамутов, — Маҳалла нафаси биз, кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчиларнинг ҳаётига 1992 йилдан бошлаб қайтди. Шуни тан олишимиз керакки, бир пайтлар тадбир тақозоси билан аждодларимизнинг авлоддан авлодга ўтиб келган ҳамжихатлик, қўшнлар бир-бирига таянч ва суянч бўлишидек муқаддас меросини унутга бошлагандик. Ҳўшар — маҳалла кўзгуси. Қўшнлар бир-бирига иморат қуришда, тўй-азада бевосита кўмаклашган. Биз кўп қаватли уймақда, бир йўлда яшаб, хаттоки қўшнимиз кимлиги, унинг дардини билмаганмиз. Ҳамма ўз холига ташлаб қўйилганди. Истиқлол шарофати билан қад-

мизнинг истак-тилақларимиздан келиб чиқишини ҳам унутмаслик керак...

Пойтахтимизнинг «Уриқзор» даҳаси келгуси йили ташкил топганига 20 йил бўлади. Хизмат юзасидан бу ердаги бунёдкорлик жараёнлари, қолаверса, мавзенинг кун сайин улғайиб бораётганини кўп марта кузатганман. «Уриқзор»нинг бугунги кунда учта энг обод, кўркам маҳаллаларни бирлаштириб, уй-жой қурилиши меъморчилигининг энг қадимий миллий ва ўта замонавий анъаналарини ўзида уйғунлаштирган даҳа бўлиб танилишига бевосита мамлакатимиз раҳбарининг хиссаси каттадир. Бошида турар жой учун ажратилган бу худуддаги ерларни ўзлаштириб, тамал тоши

ифодасидир!

— Ўша кезларда биз ҳам ёш оила эдик, — дейди «Уриқзор» даҳасида истиқомат қилувчи З.Сайфидинов. — Мана энди олти нафар фарзандим воғга етиб, мустақил оила қуриш арафасида. Ишончли комилки, агарда зарурат туғилса, улар ҳам давлатимиз томонидан яратилган имкониятдан тўлиқ фойдаланади. Бугунги кунда шу каби масалаларни ҳал этишда маҳалланинг ўрни семирди. Соғлом турмуш кечириб, фаровон яшашимиз борасида, ўзини ўзи бошқариш органи макомига мос бўлиш учун маҳаллага кўп ва етарли ваколатлар берилган. Фуқаролар ийғинига узокни кўзлаб, иш юрита оладиган инсонни етакчиликка сайлашимиз лозим бўлади.

Фуқаролар йиғинларига сайлов

ҲАР БИР МАҲАЛЛА ЎЗ НУФУЗИГА ЭГА

ХЎШ, МАҲАЛЛАЛАРИМИЗДА НИМА ГАПЛАР? ҲАР БИРИМИЗНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР ЭКАН, БУ САВОЛГА ЖАВОБ ОЛИШ УЧУН ДИҚҚАТ БИЛАН АТРОФИМИЗГА НАЗАР ТАШЛАШИМИЗНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ, АЛБАТТА. МАҲАЛЛАЛАРИМИЗГА ХОС БАРЧА ГАПЛАР ЭСА АЙНИ КУНЛАРДА ФАҚАТ БИР МАВЗУ — САЙЛОВЛАР БИЛАН БОҒЛИҚДИР.

рийларимиз тикланди. Биз яна биргамиз. Ҳаётимиз гўзаллашди. Қадр-қимматимиз амалда ифода топмоқда. Кейинги икки-уч йил ичида маҳалламизда кенг ободончилик, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу саъй-ҳаракатларни ҳокимлик, ҳомийлар ёрдамисиз уқдалай олмадик. Сайлов — маҳалла ҳаётида муҳим тадбирдир. Ҳеч ким бу ҳажим масалага бармоқ ораб қарашга ҳаққи йўқ. Маҳалла — катта ҳўжалик, унга доимо эътибор талаб этилади. Бошқарувда эса фақат масъулиятли, фидойи киши бўлмоғи лозим. Бу вазифага тақлиф этилган икки нафар номзоддан сайловчиларнинг кўпчилиги Исмоил Абубақировга овоз бергани бежиз эмас. Унинг оқсоқоллик бобида тажрибаси бор, маҳалла ҳаётида анча фаоллик кўрсатган. Уйимиз хонадон эгалари вакили сифатида қайта сайланган оқсоқолга тилагим — хар бир оила шарт-шароитидан шахсан хабардор бўлсин. Раис вазифаларининг доираси кенглигини аҳоли яхши тушунадди, аммо бу вазифалар маҳалламиз, хар бири-

кўйиш осон кечмади, чунки турли сунъий тўсиқлар бунга йўл қўймади. Фақат республика раҳбариятининг бевосита аралашуви боис тўхтовсиз қурилиш ишларига том маънода яшил чироқ берилди. Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозимки, бу даҳа кўп фарзандли ёш оилалар учун мўлжалланган бўлиб, хар бирига узоқ муддатли фоизсиз кредит ажратилган эди. Бу эса ўша, 80-йилларнинг охирида — мустақиллигимиз остонасида мамлакатимиз раҳбари томонидан ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи долазар бўлибгина қолмай, ўз ечимини ҳам топганди. Бугун, деярли йигирма йилдан кейин ҳам бозор иқтисодиётининг мураккаб талабларидан қатъи назар, мамлакатимиз Президентининг тегишли Фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида ипотека кредитлари, яна бошқа бир қатор имтиёзлар орқали ёш оилаларни алоҳида уй-жой билан таъминлаш масаласи ўзига хос ечимини топди. Шубҳасиз, бу давлатнинг ёш авлода бўлган ғамхўрлигининг амалдаги ёрқин

зимлиги шу боисдан келиб чиқади. Унга маслақдош фақат маслаҳатчилар эмас, балки маҳалладир. Агарда оқсоқол кўпчилик манфаатини кўзлаб ҳаракат бошласа, катта-кичик унга эргашади, таянч ва суянч бўлади, деб ўйлайман. «Уриқзор» маҳалласи фаолларидан бири Усмон Ҳакимов фикрига қараганда, маслаҳатчилар оқсоқолга маслаҳат бериш кифояланмасдан, балки кўтарилган аниқ бир масала ёки муаммо ечимини топишда кенгашиб, ҳамжихат бўлиб ёндашилари лозим. — Оқсоқол деганда эса маълум хуқуқ ва мажбуриятлардан иборат бир лавозим деб тушуниш керак эмас, — дейди У.Ҳакимов. — Оқсоқол — ўзини одамларга хизмат қилишга бахшида этишга тайёр киши демақдир. Менинг назаримда, бундай инсонлар жуда оз, лекин муҳими — орамизда, хар бир маҳаллада топилади. «Уриқзор»да ҳозирча Раёно Турсунжўраева яққол мисол бўла оладилар. Шу боис ҳам биз, маҳалладошлар уларга овоз бердик.

Янги сайланган раҳбар но-

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Нокас сенга душман бўлиб қолса гар, Минг хил ҳийла-найранг айлама пардоз. Минг хил ҳийла-найранг захмидан кўра Сулҳи жангидан сақланганинг соз.

Ошнолар айбини кўриб қолсанг гар, Яхшимасдир уни ўзгага айтмоқ. Оқибатини ўйлаб иш қилувчи дер, Айб очмоқдан яхши айбни беркитмоқ.

Ўзига тупроқ тўлгур дунё неъматини учун, Ҳар нокасинг бўйнини ортма миннат юкини, Бир-икки кунда қўлдан кетар бу неъмат, лекин То қиёмат тортасан ору ҳасрат юкини.

Дунё ишвасига ҳар ким берса дил, Ҳазир бўл гуруру жаҳолатидан. Қўлин тут, дунёю дунё аҳлига Ким этак силкиса гар ҳимматидан.

Ўғирлатма дилингни ҳар бир соҳибжамолга, Тундай сочию кундай юзи ақлинг олади. Ўтган йилги гўзаллар солган бўлса қай ҳолга, Кейинги йил булар ҳам шундай ҳолга солади.

Тиш билан темирга нақшлар солиш, Тирноқ билан тоғдан йўл оча олиш; Ёниб турган ўтга ўзини отиш, Қўзинг мулки билан чўғ териб ўтиш, Ўз туя юкини елкага олиш, Шарқдан Фарбга қадар югуриб-елиш, Барчаси Жомийга кўринар ҳар он Пастлар миннатини тортишдан осон.

Савдою фойдага кўп ҳарис бўлма, Бешинг олти бўлди, саккизинг тўққиз. Орзунинг бор ранжлик бўйнини олма. Хоҳишинга қараб етказар ризқ-рўз.

Қаноат давлатин топдим қутқариб Тамаъ занжирдан ҳиммат бўйинини. Тамаъ юкидан фақр ранжи афзал деб, Тарк эдим бойлигу мансаб кўйинини.

Лукмаю хирқа деб ҳар нафас Халқдан озор чекиш яхшимас. Бир курук нон бир кунга етар, Бир эски далқ бир умрга бас.

Фалак гардиши билан тожу мартаба сабаб Кўкка етса ҳам боши пастлигича қолар паст. Учса-да тўзон билан само авжига қараб, Чанг ўзгариб, ҳеч қачон нурга бўлмайдди пайваст.

Ноқобилга қилмас тарбия ҳеч қор, Оширсанг-да адаб дарсини минг бор. Деворнинг устига тизиб қўйсанг ҳам, Ёмғирдан кўкармас хору хас синҳор.

Ўзингдан паст билан бўлма ҳамсуҳбат, Ўзингдан кучлини изла мунтазам. Етказма унга ҳам аммо маломат, Ўзидан пастроқни истамас у ҳам.

Тамаъ яширин дунё гўзалин ишвасида, Жомий, тамаъ майидан маст бўлиб, сўнг чекма ғам. Сенга бас қаноатнинг қотган нони дунёда, Тамаъ қилма бировнинг ҳолвасидан сира ҳам. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



«Олтин куз — 2008»

ҒАЙРАТНАЛАР ШОҲСУПА ТҮРИДА

КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ТҮЙТЕПА ШАҲРИДАГИ «АРАНЧА» АЭРОДРОМИДА СПОРТНИНГ ТЕХНИК ВА АМАЛИЙ ТУРЛАРИДАН ҲИСОБЛАНГАН АВИА ВА РАКЕТАМОДЕЛ БҮЙИЧА РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ — «ОЛТИН КУЗ-2008» МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур мусобақаларда «Ватанпарвар» ташкилоти тизимида фаолият юритаётган Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги спорт секция ва клублари қатнашчиларининг иштирок этиши бахсларнинг қизиқарли ўтишини таъминлади.

— Мазкур тадбир ёшларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш, уларда маънавий-ахлоқий жиҳатларни шакллантириш, турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш ҳамда янгидан-янги спорт юлдузларини кашф этиш мақсадида ташкил этилди, — деди тадбирда сўз олган мусобақа бош хаками Ғайрат Калонов.

— Кўзинг ноқулай об-ҳаво шароити ва тинимсиз ёққан ёмғирга қарамасдан спортчиларнинг ғайрат ва шижоати туфайли бу йилги мусобақаларимизнинг ҳам юқори савияда ва муросасиз бахслар асосида ўтаётгани меҳнатларимиз самараси, албатта.

Ушбу спорт мусобақасида Худодёрхон Музаффаров, Шавкат Исмаилов, Валентин Адилқариев сингари спортчи ёшлар голиблик учун турли йўналишларда пешқадамлик қилишди.

Тошкент шаҳри, иккинчи ўринга Бухоро вилояти, учинчи ўринга Жиззах вилоятидан келган спортчилар муносиб деб топилди. Клублар ўртасидаги бахсларда эса биринчи ўрин «Ватанпарвар» ташкилотининг Миробод ўқув спорт техника клуби, иккинчи ўрин «Са-

марканд ҳаво йўллари» қўшма корхонаси, учинчи ўрин Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти спортчиларига насиб этди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мусобақанинг ўзига хос яна бир жиҳати, унда спортчилар нафақат жисмонан, балки ихтирочилик, изланувчанлик, аниқлик ва тезлик бобида ҳам ўз маҳоратларини тўла намоеён этишди. Бу эса келгусида юртимиз ёшлари орасида иқтидорли спортчиларнинг камол топишига замин бўлади.

Иззат ЯМАНОВ, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, ҲОЗИРДА ЕР ЮЗИДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАНЛАРНИНГ СОНИ 200 МИЛЛИОНГА ЯҚИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ТАХМИНЛАРГА КЎРА, 2025 ЙИЛГА БОРИБ, 333 МИЛЛИОН КИШИ УШБУ КАСАЛЛИККА ДУЧОР БЎЛИШ ЭҲТИМОЛИ БОР.

Маълумки, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Эндокринология илмий текшириш институти ташаббуси билан жорий йилнинг 1 ноябидан 30 ноябигача қадар Республикада «Қандли диабет — ҳаёт тарзи касаллиги» шиори остида ойлик ўтказилаётган тадбир.

Мазкур ойлик доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги олий ўқув юртлири, коллежлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳарбий қисмларда режа асосида давра суҳбатлари, турли семинарлар ташкил этилмоқда. Шу каби хайрия тадбирларидан бири Ўзбекистон Давлат консерваториясида ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбир 14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш кунига бағишланди. Унда қандли диабет билан хасталанганлар учун ёш истеъдодли хонандалар, эстрада юлдузлари иштирокида кўнгилочар дастурлар намойиш этилди.

Шунингдек, тадбир доирада ташкилотчилар томонидан ойлик доирасида жойларда олиб борилган ишлар юзасидан маълумот берилди. Қандли диабетни эрта ташxisлаш мақсадида аҳоли орасида қондаги қандни аниқлаш учун махсус пунктлар ташкил этилиб, спорт тадбирлари, беморларга хайрия акциялари ўтказилаётгани шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, тадбирда бу касалликнинг олдини олиш учун нафақат табибёт ходимлари ҳаракат қилиши, балки ҳар бир инсон унга қарши курашмоғи, ўз саломатлигига эътибор қилмоғи лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Тошкентда грипп пандемиясига тайёрлик кўриш бўйича табибёт йўналишидан ташқари ўтказилаётган тадбирларни режалаштириш ва ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида уюштирди.

Тадбирда вазирликлар, идоралар, йирик компаниялар ва республика соғлиқни сақлаш ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги ҳақида доимий ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Ислам Қаримов ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимида кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2006 йилдан эътиборан гриппнинг олдини олиш ҳамда пандемияга тайёрлик кўриш бўйича миллий дастур амалга оширилмоқда. Семинарда Грипп миллий маркази директори Р.Раҳимов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Отарбоев ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар.

Ўзбекистоннинг грипп профилактикасининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ва чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда, деб таъкидла-

ди ушбу ташкилотнинг Европа минтақавий бюроси мутахассиси Шахин Гусейнов. Мазкур жараёни ривожлантиришда Ўзбекистонда қабул қилинган ва амалга оширилаётган гриппни назорат қилиш бўйича миллий стратегия муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гриппдан ҳимояланишнинг энг яхши воситаси вакцинация — эмлаш экани тажрибадан яхши маълум. Ўзбекистонда бу тадбир ҳар йили ўтказилади. Мавсумий характерга эга бўлган гриппга қарши, энг аввало, касаллик юқиш эҳтимоли юқори бўлган аҳоли қатлами, шу жумладан, болалар ва қариялар эъланади. Статистика маълумотларига кўра, грипп пандемиясининг даврийлиги 30-40 йилни ташкил этади. У янги вирус тури пайдо бўлган, лекин унга қарши инсон организмида ҳали иммунитет мавжуд бўлмаган пайтда юзага чиқади. Шу сабабли, «парранда гриппи» касаллиги алоҳида хавф тугдиради. У ҳозирча инсондан инсонга юқмайди ва унинг пандемияси бизга хавф солмайди. Аммо, вируснинг мутация жараёнига мойиллиги туфайли, унинг бундай хусусияти эга янги тури пайдо бўлиши ва бу касалликнинг бутун дунё бўйлаб тез тарқалиб кетишига олиб келиши мумкин.

Мазкур омиллари ҳисобга олиб, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан 2009-2011 йилларга мўлжалланган грипп пандемиясига тайёрлик кўриш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ушбу семинарда муҳокама қилинди. Таъкидландики, шу масалага алоқадор барча вазирлик ва идоралар ишини пухта мувофиқлаштириш бу борада муҳим чоралардан бири ҳисобланади. Даволаш-профилактика мақсадлари гриппга қарши дори-дармон-

ГРИППНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

ГРИПП — ДУНЁДА ЭНГ ТЕЗ ТАРҚАЛАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРДАНДИР. ШУ САБАБЛИ, БУТУН МАМЛАКАТИМИЗДА ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ ОСОЙИШТА БЎЛСА-ДА, РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИГА УШБУ ИНФЕКЦИЯ КИРИБ ҚЕЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШ ЗАРУР. ЯҚИН ЙИЛЛАРДА ГРИПП ПАНДЕМИЯСИ КУЗАТИЛИШИ МУМКИНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ҲАҚОЛ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ (ЖСТ) МАЪЛУМОТЛАРИ ҲАМ ШУНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ҲАММАСИ ПОЙДЕВОРДАН БОШЛанаДИ

БИНО ВА ИНШОТЛАРНИНГ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИгини таъминлаш дастлаб уларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. ҚАТОР МЕЪЁРЛАР ОРАСИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИГА ТўЛА АМАЛ ҚИЛИНГАНДАГИНА УНИНГ ТОМ МАЪНОДАГИ МУСТАҲКАМЛИгини таъминлаш мумкин.

Корхона, ташкилот ва халқ таълими муассасаларида ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш, улардан келиб чиқадиган вазифалар, ёнғин ва унинг оқибатлари тўғрисида кўп гапирилади.

Аслида ёнғин хавфсизлиги талаб ва меъёрларига амал қилиш, бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини таъминлаш дастлаб уларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. Бино ва иншоотларда ёнғин хавфсизлиги талабларининг тўла бажарилиши уларда ёнғин содир бўлмаслиги ҳамда ёнғин хавфсизлиги таъминланганлигининг қафолатидир.

Барчамизга яхши маълумки, ҳозир туманимиз ҳудудида янги-янги бинолар қад кўтармоқда, турли корхоналар, мактаб, лицей, коллежлар, банк ва табибёт масканлари қуриб битказилмоқда. Бу бинолар, албатта замонавий техника воситалари билан жиҳозланиши, замон талабига жавоб берадиган даражада қурилиши лозим. Бунда оз-

гина бепарволик ёнғин хавфсизлиги хизматининг талаблари иккинчи даражага тушиб қолиши ҳамда вақти келиб бу биноларда ёнғин келиб чиқишининг эҳтимолини оширади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида лойиҳалаш ва қурилишда ёнғинга қарши тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш ёнғин хавфсизлиги хизмати меъёрий техника экспертизаси гуруҳининг асосий вазифасини ташкил қилади.

Бу борадаги ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги 227-қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат ёнғин назорати тўғрисида»ги Низом асосида олиб борилади. Лойиҳани ишлаб чиқиш даврида ёнғин хавфсизлиги меъёрларига амал қилиниши ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан назорат қилинади. Олиб борилаётган ҳар бир қурилишга ёнғин хавфсизлиги хизматидан тажрибали ходим

лойиҳага киритилган ёнғин хавфсизлиги таъминлашга оид тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун бириктирилади. Демак, қурилиш ишларида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бевосита иштирок этишади.

Ёнғинга қарши чора-тадбирларни белгилашда асосан қуйидагиларга эътибор берилади:

- корхона ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан зоналарга ажратилиди;
- ёнғиндан сақлаш ма-софаларида жойлаштириши;
- асосий шомол йўналиши, жой рельефини ҳисобга олиши;
- қўшни корхона ва аҳоли яшовчи жойларга нисбатан асосий ва ёрдамчи йўللар билан таъминланиши, ёнғин содир бўлганда ўт ўчирувчиларнинг ўз вақтида етиб келишини ҳисобга олиб, ёнғин ўчириш қисмининг жойлаштириши;
- асосий иншоотлар, ёнғинга қарши сув тармоғи бўйича сув, газ, электр қуввати билан таъминлаш,

алоқа ва хабарлаш йўналишлари бўйича тўғри қабул қилиш;

- ишлаб турган корхоналарда бино ва иншоотларни қайта техник жиҳозлаш, қайта қуриш ва шу корхоналарда янги ишлаб чиқариш жиҳозларини ўрнатиш лойиҳалари юзасидан, транспорт йўллари, электр, газ, алоқа ва хабарлаш, ёнғинга қарши сув таъминоти тизимлари ўзгарганида давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ўз хулосаларини беради.

Бу тадбирлардан қўзланган мақсадлар ягона: ёнғинларнинг олдини олиш, мулк хавфсизлигини таъминлаш. Зеро, хавфсизлик қондаларига тўла амал қилинган ҳолдагина мустаҳкам, мукамал бинолар қурилади. Бу эса ёнғин хавфини бар-тараф этиш йўлидаги дастлабки қадам бўлиб хизмат қилади.

Ҳ.ҲАСАНОВ, Яқкасарой туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, капитан

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ТУРЛАРИ БИЛАН ШҒУЛУЛЛАНИШ УЧУН КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛГАН. ФАҚАТ МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИ ВА ҲАЛОЛ ИШЛАНСА БАС. АКС ҲОЛДА...

Қонун барчага баробар

Кўза кунда синди

Чилонзор туманида жойлашган «ELMONTNER SERVIS PLUS» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Н.Слободчиков ҳам қонуни четлаб ўтувчи устаси фаранг тадбиркорлардан чиқиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлими томонидан «ELMONTNER SERVIS PLUS» МЧЖ фаолияти таҳлил қилинганида, жамият раҳбари жорий йилнинг сентябрь ойи давомида турли харидорғир ҳисобланган қурилиш ва маиший техника маҳсулотларини жами 920.000.000 сўмга пул кўчириш йўли билан харид қилиб, ушбу маҳсулотларнинг 105.000.000 сўмлигини шу ой давомида нақд пулга сотиб, савдодан тушган нақд пул маблағларини корхонага кириб қилмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарори талабларини бузган ҳолда банкка топширмасдан ўзлаштирилганлиги аниқланган.

«ELMONTNER SERVIS PLUS» МЧЖ раҳбари Н.Слободчикованинг товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қондаларини кўп миқдорда бузишда ифодаланган ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-қисмида кўрсатилган аломатлар мавжудлигини инобатга олиб, мақкур ҳолат бўйича бўлим катта суриштирувчиси Н.Халимов томонидан МЧЖ раҳбарига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 89-моддаси 3-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб суриштирув ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Фолиб ОЧИЛОВ, СВОЖДЛҚК департаментининг Чилонзор тумани бўлими бошлиғи

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-1006

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3282 нусxada босилади. Қоғоз бивими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 6